



ЖИНОЯТЛАРНИ «ИССИҚ ИЗИДАН» ФОШ ЭТИШДА ТЕЗКОР-ТЕХНИК ВОСИТАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аминов Шариф Насимович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси доценти, (PhD)

Аннотация: *Мазкур илмий мақолада жиноятларни «иссиқ изидан» фош этишда тезкор-техник воситалардан фойдаланиш фаолиятини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, тезкор хизмат ходимлари томонидан қўлланиладиган техник воситалар турлари, уларнинг қонуний асослари ва самарали қўлланиш усуллари, жиноятларнинг турли шаклларида тезкор-техник воситалардан фойдаланиш имкониятлари ёритилган. Мақолада техник воситалардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари илмий-назарий ва амалий нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Тадқиқот натижалари жиноятларни аниқлаш ва фош этиш тизимини такомиллаштириш, ҳуқуқ-тартибот фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.*

Калит сўзлар: *жиноятларни фош этиш, «иссиқ изидан» тергов, тезкор-техник воситалар, ҳуқуқ-тартибот органлари, оператив-излов фаолияти, қонуний асослар, электрон воситалар, мониторинг, жиноятни аниқлаш, профилактика.*

Жиноятларнинг замонавий шакллари ва юқори тезликда содир этилиши ҳуқуқ-тартибот органлари олдида янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу боис, жиноятларни «иссиқ изидан» фош этиш тизимида тезкор-техник воситалардан фойдаланиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Тезкор-техник воситалар — жиноят содир этилган жойни ва вақтни аниқлаш, жиноятчи шахсни идентификация қилиш, далилларни тез ва самарали тўплаш имконини берувчи замонавий қурилмалар ва ахборот тизимлари ҳисобланади.

Мақолада бу воситаларнинг ҳуқуқий асослари, қонуний меъёрлари ва уларнинг турлари, шунингдек, улардан самарали фойдаланишнинг илмий-амалий жиҳатлари таҳлил қилинади. Тадқиқотнинг асосий аҳамияти — жиноятларни аниқлаш ва фош этишда тезкор-техник воситаларнинг роли ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари белгилашдан иборат.

Мазкур мақолада шунингдек жиноятларни «иссиқ изидан» фош этишда тизимли ва мувофиқ усулларни ривожлантириш, тезкор хизмат ходимлари фаолиятини оптималлаштириш ва техник воситалардан қонуний ва самарали фойдаланишни таъминлаш масалаларига эътибор қаратилган.



Тезкор-техник воситаларни қўллашнинг техник турлари қонун нормалари орқали бевосита тартибга солинмайди. Улар тергов фаолиятининг умумий талаблари ва тактикаси, шунингдек, тезкор-қидирув тадбирлари орқали тартибга солинади. Шунинг учун ушбу фаолият шаклини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тезкор-техник воситаларни қўллашда у ёки бу тактик усулни танлаш учун ҳуқуқий асос бўлиши мумкин. Тезкор-техник воситаларнинг рўйхати, уларнинг тавсифи ва ишлаш хусусиятлари қонуности ҳужжатларида акс эттирилади ёки мавжуд техник ҳужжатлар, кўрсатмалар, методик тавсияларда ўз аксини топади.

Тезкор-техник воситалар ёрдамида тегишли усулларни амалга оширишда қонун нормалари (кодекслар), махсус фармойишлар ҳуқуқий асос бўлиши мумкин.

Жинойят-процессуал кодекснинг айрим моддалари тезкор-техник воситаларнинг қўлланишини, унинг ишлатилиши керак бўлган соҳаларни қамраб, иш орқали тергов тизимини тартибга солади. Шунингдек, тезкор-техник воситаларга доир қонунларда белгилаб қўйилган принциплар қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиниб, тегишли кўрсатмалар, қоидалар ва бошқа ҳужжатларнинг қонуний асоси ҳисобланади.

Жинойят-процессуал қонунчиликда мансабдор шахсларнинг тезкор-техник воситалардан тергов ва суд жараёнида қандай фойдаланиши кераклиги кўрсатилиб, улар жумласига дастлабки тергов ўтказувчи шахслар, терговчилар, экспертлар, тергов ҳаракатларини юритишда қатнашувчи шахслар киради. Бунда қонун терговчи ва дастлабки терговни амалга оширувчи шахсларга тезкор-техник воситаларни қўллаш бўйича қатъий кўрсатмалар бермайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-344-сон қонунининг 12-моддаси тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ошкора ва ношкора ўтказиши, ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни ҳал этиш учун махсус билимларга эга бўлган мутахассислар ёрмидан фойдаланиши, видео- ва аудиоёзув, кино- ва фотосуратга олиш воситаларини, шунингдек инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфсиз бошқа техника воситаларини қўллаши, тезкор-қидирув учун мўлжалланган ахборот тизимларини яратиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини белгилайди.

Бироқ, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ва ушбу қонун билан ваколат берилмаган жисмоний ва юридик шахслар томонидан маълумотларни ношкора олишга мўлжалланган (ишлаб чиқилган, мослаштирилган, дастурлаштирилган) махсус ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш тақиқланмаган.

Демак, тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунга рухсатсиз жисмоний ва юридик шахслар томонидан ношкора маълумот олиш учун мўлжалланган



махсус ва бошқа техник воситалардан фойдаланишни тақиқловчи норма киртиш мақсадга мувофиқ. Тезкор-техник воситаларни қўллаш турлари қонун ҳужжатлари орқали тўғридан-тўғри тартибга солинмайди. Бу воситалар тергов фаолиятининг умумий талаблари ва тактикаси ҳамда тезкор-қидирув тадбирлари асосида қўлланилади. Шу боис, тезкор-техник воситалардан фойдаланишда қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади. Ушбу воситаларнинг рўйхати, тавсифи ва техник хусусиятлари қонуний ҳужжатларда ёки мавжуд техник кўрсатмалар, методик тавсиялар ва йўриқномаларда акс эттирилади.

Бироқ қонунга рухсат берилмаган шахслар томонидан махсус ёки техник воситалардан ноошкора фойдаланиш ҳозирча тақиқланмаган. Шунинг учун қонунга мазкур воситаларни рухсатсиз фойдаланишни тақиқловчи норма киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳорижий тажрибага назар солсак, Россия Федерацияси ва Беларусь Республикасининг қонунларида рухсатсиз техник воситалардан фойдаланиш тақиқланган, Қозоғистонда эса махсус техник воситалар билан маълумот олишдаги фойдаланиш чегаралари бошқача белгиланган.

Тезкор-техник воситалардан фойдаланишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ❑ инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахс мол-мулкани, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш;
- ❑ жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва фош этиш;
- ❑ гумон қилинувчи ва айбланувчиларни топиш, бедарак йўқолган шахслар ва таниб олинмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаш;
- ❑ шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган ҳолатлар ва ҳаракатлар ҳақида маълумот тўплаш;
- ❑ тезкор-қидирув тадбирларида техник воситалардан қонуний ва хавфсиз фойдаланиш;
- ❑ ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини, шунингдек тизимга кўмаклашаётган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш.

Тадбирлар давомида жиноятчи шахс психологиясини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга: бу гумон қилинувчи ва айбланувчи билан боғлиқ муаммоли вазиятларда тактик ва ҳуқуқий жиҳатдан тўғри қарор қабул қилиш, ишнинг исботланиши ва мотивациясини аниқлашда қўл келади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, жиноятчиликка қарши курашда самарали натижага эришиш учун тезкор-қидирув фаолиятини кучлари, воситалари ва усуллари комплекс тарзда қўлланилиши керак. Тезкор-техник воситалардан фойдаланиш самарадорлиги қуйидагилар билан таъминланади:

- ❑ ички ишлар органларининг воситалар билан таъминланганлик даражаси;



❑ ходимларнинг воситалардан самарали фойдаланиш борасидаги билим ва кўникмалари;

❑ илмий-техник имкониятлардан самарали фойдаланиш;

❑ тезкор ва эксперт-криминалистик хизматлар ўртасида ҳамкорлик;

❑ процессуал қоидалар ва улардан фойдаланиш натижаларини тўғри расмийлаштириш.

Бугунги кунда жиноятчилик турлича технологик воситалар ва рақамли хизматлардан фойдаланган ҳолда содир этилмоқда. Контрафакт товарлар савдоси, молиявий фирибгарлик, интернет орқали жиноятлар, мафкусуд маълумотлар базаси билан содир этиладиган таҳдидлар жиноятчиларга ишончли паноҳ яратади. Шу сабабли жиноятларни «иссиқ изидан» фош этиш, яъни содир этилиши билан боғлиқ бўлган жой, вақт ва ҳаракат белгилари асосида тезкор аниқлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида муҳим йўналишлардан бирига айланди. Бунда тезкор-техник воситалар, шу жумладан видео-аудиоёзув воситалари, электрон мониторинг тизимлари, компьютер ва тармоқ таҳлил воситалари ҳамда жиноят жойидан тезкор изларни олиш қурилмалари асосий ўрин тутди.

Хорижий мамлакатларда тезкор-техник воситалардан фойдаланиш амалиёти Рақамли Технологиялар (РТ) асосида АҚШ, Европа Иттифоқи, Россия, Қозоғистон ва Беларусь каби давлатларда турли ҳуқуқий механизмлар, техник имкониятлар ва мустақил мониторинг тизимлари билан тартибга солинган. Ушбу тажрибани ўрганиш ва маҳаллий шартларга мослаштириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий амалиётда техник воситалардан фойдаланиш ҳуқуқий жиҳатдан қонунлар ва агентликлар қарори билан тартибга солинади. АҚШда ФБР, DEA ва DHS агентликлари «Electronic Communications Privacy Act» ҳамда «Stored Communications Act» қонунлари асосида техник воситалардан фойдаланади. Ушбу қонунлар яширин маълумот олиш, телефон, интернет ва электрон почта маълумотларини йиғишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади ва суд рухсатномаси кўп ҳолларда мажбурий ҳисобланади. Европа Иттифоқи давлатларида эса техник воситалардан фойдаланиш «Data Protection Directive» ва «European Convention on Human Rights» каби қонунлар билан назорат қилинади. Россия Федерациясида эса «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун техник воситалардан фойдаланиш, яширин маълумот олиш ва суд рухсатномаси олиш тартибини белгилайди. Қозоғистонда ҳам махсус техник воситалар тушунчаси қонун асосида аниқланган, лекин яширин маълумот олиш билан боғлиқ чекловлар белгиланган. Беларусда техник воситалардан фойдаланиш бўйича ҳам аниқ қоидалар белгиланган.

Тезкор-техник воситалар турлари жиноятларни фош этишда турлича имкониятлар тақдим этади. CCTV камералар ва жисмга ўрнатилган камералар



жиноят жойи ва атроф муҳитни доимий мониторинг қилиш имконини беради. АҚШ ва Европа мамлакатларида йирик шаҳарларда CCTV камералар жиноятлар сонини камайишига ҳисса қўшди, чунки жиноятчилар ҳаракатлари олдиндан кузатилади. Электрон трассировка воситалари, интернет ҳаракатлар, IP адреслар ва электрон почта сессиялари жиноятчиларни тез аниқлашда асосий восита ҳисобланади. Deep packet inspection ва тармоқ таҳлил воситалари жиноятчи билан алоқани аниқлаш имконини беради. Биометрия ва идентификация воситалари — бармоқ изи, юз таниб олиш ва йўл ҳаракати кузатув тизимлари — шахсий маълумотлар асосида жиноятчиларни аниқлашда катта аҳамиятга эга. GPS ва мобил мониторинг тизимлари орқали шахслар ва транспорт воситалари ҳаракати электрон равишда кузатилиб, жиноятнинг вақт ва жойи тўлиқ аниқланади.

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, техник воситалардан фойдаланишда шахсий ҳуқуқлар ва маълумотларни ҳимоя қилиш алоҳида эътиборга олинади. Суд рухсатномаси талаб қилиш шахсий ҳаётни ҳимоя қилишнинг асосий усули ҳисобланади ва жиноятларни аниқлаш билан инсон ҳуқуқлари ўртасидаги мувозанатни сақлайди. Европа Иттифоқида GDPR қонунлари техник воситалар орқали шахсий маълумотларни йиғишни қатъий тартибга солади ва ноқонуний маълумотларнинг ўзлаштирилишини олдини олади. Шу билан бирга ахлоқий меъёрлар ҳам муҳим бўлиб, технология қўлланиши билан шахсий ҳаёт ҳуқуқлари ва маълумотларни ҳимоя қилиш принциплари таъминланиши керак.

АҚШда ФБР ва DHS агентликлари телефон, интернет ва камера мониторингидан қонуний тартибда фойдаланади, суд рухсатномаси олинганидан кейин яширин мониторинг тизимлари фаолиятга киритилади. Рақамли далилларни тўплаш ва таҳлил қилиш марказлари орқали молиявий, кибер ва террористик таҳдидлар аниқланади. Европа мамлакатларида CCTV камералар ва йўл ҳаракати мониторинг тизимлари жиноятларнинг олдини олиш ва фош этишда самарали. Россия ва Марказий Осиёда техник воситалардан фойдаланиш ҳуқуқий меъёрлар асосида тартибга солинади.

Техник воситалардан фойдаланишдаги самарадорлик жиноятчиликка қарши курашда фаолият самарадорлигини ошириш билан боғлиқ. Суд рухсатномаси олиш вақтида кечиктириш жиноятни аниқлашда қийинчилик туғдиради. Янги технологиялар тез ривожланаётгани қонунларни тез жорий қилиш имконини чеклайди. Шу сабабли хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам техник воситалардан фойдаланиш ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, шахсий таркибни тайёрлаш ва илмий-техника воситаларидан самарали фойдаланиш муҳимдир.

Жиноятларни «иссиқ изидан» фош этишда техник воситаларнинг аҳамияти шундаки, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва ахлоқий меъёрларни инобатга олиш ҳуқуқий тизимни мустаҳкамлайди. Ўзбекистон шароитида ҳам шу тажрибаларни қонунчиликка мослаштириш, техник воситалардан самарали



фойдаланишни ҳуқуқий асосларга мувофиқ тартибга солиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органлари тизимининг самарадорлигини оширишда тизим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, шахсий таркибни тарбиялаш, малака ва билимларни юксалтириш ҳамда илмий-техника воситалари ёрдамида зарур чораларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlis va O'zbekiston xalqiga Murojaatnomasi. 2025 yil 26 dekabr. <https://president.uz/uz/lists/view/8834>

2. Аминов Ш. Н., Мирсалихова Г. А. Ёшларда экстремизмга қарши иммунитетни шакллантириш йўналишлари //Innovation in the modern education system. – 2025. – Т. 6. – №. 49. – С. 215-225.

3. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.

4. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда айрим процессуал тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 141-146.

5. Aliqulovich T. A., Shukurjon o'g'li I. J. Кибержиноятларга қарши курашнинг замонавий тенденциялари //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 30. – С. 33-40.

6. Aliqulovich T. A., Bahodir o'g'li B. A. Raqamli texnologiyalar orqali sodir etiladigan tovlamachilik jinoyatlariga qarshi kurashishning o'ziga xos jihatlari //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 29. – С. 9-14.

7. Aliqulovich T. A., Axmat o'g'li M. A. Majburiy jamoat ishlari bilan bog'liq jazoga hukm qilingan shaxslar bilan ishlashda iio profilaktika inspektorlarining asosiy vazifalari //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 29. – С. 4-8.

8. Aliqulovich T. A., Ilhom o'g'li B. S. Badanga og'ir tan jaroxati yetkazish bilan bog'liq jinoyatlar profilaktikasini tushunchasi va uni amalga oshirish choralari //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 29. – С. 87-92.

9. Aliqulovich T. A. et al. Терроризм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш этиш ва амалга оширишнинг хусусиятлари //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 29. – С. 15-20.

10. Aliqulovich T. A., Shavkat o'g'li C. A. Voyaga yetmaganlarga nisbatan sodir etiladigan jinsiy zo'rovonliklarning viktimologik profilaktikasi tushunchasi, turlari va ijtimoiy xavfi //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 30. – С. 213-219.



11. Aliqulovich T. A., Shavkat o'g'li C. A. Voyaga yetmaganlarga nisbatan sodir etiladigan jinsiy zo'rovonlik jinoyatlarini oldini olishning huquqiy asoslari //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 30. – С. 220-226.

12. Таштемиров А. А. и др. Профилактика инспекторининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигининг ўзига хос хусусиятлари //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2025. – Т. 4. – №. 47. – С. 189-196.

13. Таштемиров А. А. и др. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ички ишлар органларининг ҳамкорлиги //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 25. – С. 32-40.

14. Таштемиров А. А. и др. Ҳуқуқбузарлик содир этилишининг сабаблари ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари //So 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 454-461.

15. Tashtemirov A., Po'latov A. Ayollar jinoyatchiligining oldini olish chora-tadbirlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 75-78.

16. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий профилактика объекти сифатида алкоголизм таъсиридаги шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //So 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 552-558.

17. Мирсалихова Г. А. Ривожланган хорижий давлатларда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликка қарши курашининг тартибга солиниши //so 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 1. – С. 5-15.

18. Мирсалихова Г. Ички ишлар органлари тезкор қидирув фаолияти тизимида амалга оширилаётган маъмурий-ҳуқуқий ислохотлар истиқболлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10. – С. 214-217.

19. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда эҳтиёт чораларини қўллашнинг аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 13. – С. 160-165.

20. Мирсалихова Г. Тезкор қидирув фаолиятини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 291-296.

21. Мирсалихова Г. А. Баҳодиров ААЎ Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий аҳамияти //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 104-108.

22. Мирсалихова Г. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашининг хорижий давлатлардаги илғор тажрибаси //Евразийский журнал технологий и инноваций. – 2024. – Т. 2. – С. 112-119.



23. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

24. Мирсалихова Г. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларга нисбатан белгиланадиган жавобгарликнинг ўзига хос жиҳатлари //Models and methods in modern science. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 78-86.

25. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигига эришишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 35-40.

26. Mirsalixova G. Shodiyev S. Voyaga yetmaganlar jinoyatchiligining o 'ziga xos xususiyatlari //Development and innovations in science. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 160-168.

27. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.

28. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар ва уни бартараф этиш йўналишлари //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 22. – С. 116-123.

29. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10. – С. 42-48.

30. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш йўналишлари //Innovation in the modern education system. – 2024. – Т. 5. – №. 46. – С. 291-300.

31. Таштемиров А. А. Йулларда харакатланишни тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва бу борада технологиянинг ахамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.

32. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган кибержиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифи ва хусусиятлари //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2024. – Т. 3. – №. 35. – С. 38-47.

33. Мирсалихова Г. А. и др. Профилактика инспекторининг вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашиш фаолиятида илғор хориж тажрибасини қўллаш амалиёти //Pedagogical sciences and teaching methods. – 2024. – Т. 4. – №. 40. – С. 105-113.

34. Таштемиров А. А. и др. Жамоат тартибини сақлашда ички ишлар органлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигининг ташкилий



жихатлари //Scientific aspects and trends in the field of scientific research. – 2024. – Т. 3. – №. 28. – С. 124-131.

35. Мирсалихова Г. А., Баҳодиров А. А. Ў. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий аҳамияти //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 104-108.

36. Тоштемиров А. А. Некоторые аспекты изучение модели управленческой деятельности в органах внутренних дел. – 2022.

37. Таштемиров А. А. и др. Ички ишлар органлари профилактика инспекторлари ва божхона хизмати ходимларининг жинойтчиликка қарши курашиш борасидаги ҳамкорлигининг ўзига хос жихатлари //Innovative achievements in science 2024. – 2024. – Т. 3. – №. 35. – С. 124-132.

38. Аминов Ш. Н., Мирсалихова Г. А. Ёшларда экстремизмга қарши иммунитетни шакллантириш йўналишлари //Innovation in the modern education system. – 2025. – Т. 6. – №. 49. – С. 215-225.

39. Аминов Ш. Н. Терроризм ва экстремизмнинг жамият барқарорлигига таҳдиди //Journal of innovations in scientific and educational research. – 2025. – Т. 8. – №. 2. – С. 15-22.

40. Аминов Ш. Н. Возникновение терроризма, а также факторы, его вызывающие //Международная конференция академических наук. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 167-173.

41. Мирзахмедов А. М., Аминов Ш. Н., Холматов Ф. М. Таълим сифати-ижтимоий тараққиёт омили //Academic research in educational sciences. – 2023. – Т. 5. – №. NUU Conference 2. – С. 424-432.

42. Холматов Ф. М., Аминов Ш. Н. Фарғона водийсида жаҳидлик: миллий маданият муаммолари //Academic research in educational sciences. – 2023. – Т. 5. – №. NUU Conference 2. – С. 848-856.